



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 237 (17.519)

14 октябрь 1979 йил, якшанба

Баҳоси 2 тийин.

**Марксизм-ленинизм байроғи
остида, Коммунистик партия
раҳбарлигида — коммунизм
ғалабаси сари олға!**

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябр социалистик революциясига 62 йиллигига ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябр социалистик революциясининг 62 йиллиги!

2. Яшасин XX асрнинг асосий воқеаси, инсониятнинг капитализмдан социализмга жаҳоншумул тарихий бурилишини бошлаб берган Улуғ Октябр социалистик-революцияси!

3. Яшасин барча мамлакатлар меҳнаткашларининг империализмга қарши, социализм ва коммунизм ғалабаси учун курашдаги қудратли ғоявий қуроли — марксизм-ленинизм!

4. Яшасин музаффар Октябр революциясининг илҳомчиси ва ташкилотчиси, совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи — ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин партия билан халқнинг буюк бузилмас бирлиги!

5. Октябр революциясининг йўлбошчиси, Коммунистик партиянинг ҳамда дунёда биринчи социалистик давлатнинг бунёдкори ва раҳбари — Владимир Ильич Лениннинг номи ва иши асрлар оша яшайверсин!

6. Коммунизм бунёдкори, бутун дунёда тинчлик учун изчил курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

7. Яшасин коммунизм қурилишидаги етакчи куч — Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!

8. Яшасин коммунизмнинг актив бунёдкори — шонли колхозчи-деҳқонлар!

9. Яшасин коммунизмнинг актив бинокори — совет халқ зиёлилари!

10. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи!

Совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги мустаҳкамланаверсин!

11. Яшасин социалистик Ватанимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг қардошларча дўстлиги ҳамда енгилмас бирлиги!

12. Яшасин жаҳонда биринчи социалистик умумхалқ давлатининг Асосий Қонуни — Совет Конституцияси!

Яшасин социалистик демократия!

13. Яшасин халқ депутатлари Советлари!

Давлат ва жамият ишларини бошқаришда ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг иштироки кенгайверсин!

14. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажариш учун курашингиз, ривожланган социализм имкониятларини тўла-тўқис рўйга чиқаришга интилингиз!

15. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! В. И. Ленин тугилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошлангич ҳаракатини кенг қўл очиб беришгиз!

Ленинча, коммунистча яшаш, ишлаш ва курашини ўрганингиз!

16. Коммунистлар! КПСС XXV съезди қарорларини бажариш учун, иш самардорлиги ва сифатини ошириш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

17. Совет касба союzlари! Давлат ва жамият ишларини бошқаришда, сиёсий, ҳўжалик ва социал-маданий масалаларни ҳал этишда актив қатнашингиз! Социалистик мусобақани ва меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини тақомиллаштирингиз!

Яшасин коммунизм мактаби — совет касба союzlари!

18. Қомсомоллар, йигит ва қизлар! Коммунизмни сабот билан ўрганингиз! Билим, маданият, касб-кор маҳоратини егаллангиз!

Коммунизм учун актив, оғли курашчилар бўлингиз!

19. Яшасин Коммунистик партиянинг ишончли ёрдмчиси ва жанговар резерви, коммунизм ёш бинокорларининг илгўр отряди — Ленин қомсомоллари!

20. Яшасин коммунизмнинг актив бинокорлари — совет хотин-қизлари! Уларнинг бутун қалб қўрнини социалистик Ватанимизга муносиб граждандарли бўлиб етишадиган болаларни тарбиялашга сарфлаётган оналарга шон-шарафлар!

Ер юзи болалари тинч ва бахтиёр бўлсинлар!

21. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарлигингизни тинимсиз тақомиллаштирингиз, Ватанин, социализмнинг улуғ ғалабаларини ҳимоя қилишга доим шай бўлингиз!

Яшасин совет халқи тинч меҳнатининг ишончли посбони, халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг муҳим омили — СССРнинг шавкатли Қуролли Кучлари!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлиги, самардорлиги ва сифатини оширингиз! 1979 йил планини, ўзинчи беш йиллик ташқириқларини муваффақиятли бажариш учун курашингиз!

23. Коммунистик қурилишнинг олдинги сафида

бораётган илгўр коллективларга, беш йиллик зарбдорларига шон-шарафлар!

24. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Социалистик ишлаб чиқаришни янада тақомиллаштиришда, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда актив қатнашингиз!

Халқ ҳўжалигида юксак пировард натижаларга эришиш, олий сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун резервлардан тўлароқ фойдаланингиз!

25. Саноат ходимлари! Ватанимизнинг индустриал қудратини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун курашингиз! Ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштирингиз ва улардан самарали фойдаланингиз! Янги техника, прогрессив технология ва илгўр тажрибани жорий этингиз!

26. Оғир саноат ва машинасозлик ходимлари! Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини оширингиз, халқ ҳўжалигининг ёқиллигига, энергияга, металлга, хом ашёга, серуном машина-ускуналарга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондирингиз!

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга кўпроқ ҳисса қўшингиз!

27. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантириш учун курашингиз, Байкал-Амур магистрали қурилиши суръатларини кучайтирингиз!

28. Саноат ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, турларини хилма-хил қилингиз, сифатини оширингиз!

Совет кишиларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондирингиз!

29. Қурилиш ходимлари! Ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ўз вақтида ишга туширингиз, капитал маблағ самардорлигини оширингиз!

Соз, тежамли ва замонавий техника асосида курашингиз!

30. Транспорт ва алоқа ходимлари! Халқ ҳўжалигига хизмат қилишни яхшилангиз, совет кишиларининг эҳтиёжларини тўлароқ қондирингиз!

Меҳнат ҳамдўстлигини ҳар томонлама мустаҳкамлангиз, ҳаракат составидан ва алоқа воситаларидан юксак самарали фойдаланишга эришингиз!

31. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қишлоқ ҳўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш учун курашингиз! Уни комплекс механизациялаш ва химиялаш, ерларни мелiorациялаш суръатларини жадаллаштирингиз, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентратлаштириш ривожлантирингиз!

32. Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари! Ишлаб чиқариш самардорлигини оширингиз! Ер, техника, ўғит, барча моддий ва молиявий ресурсларни тежаб-тертаб ишлатингиз! Қўламли дала ишларига муваффақиятли ҳозирлик қўриш учун, 1980 йилда мўл ҳосил олиш учун курашингиз!

Меҳнатни ташкил этишнинг илгўр методларига ва янги технологияга кенг йўл!

33. Қишлоқ ҳўжалиги меҳнатчилари! Чорва ва парранданин юксак маҳсулдорлигига ва уларнинг сонини кўпайтиришга интилингиз, чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлангиз!

Ўғит, сўт, туҳум, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтирингиз!

34. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! РСФСР Ноҳоратупроқ зонаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг комплекс программасини амалга ошириш учун актив курашингиз!

35. Қишлоқ ҳўжалиги, тайёрлов, транспорт, қайта ишлаш, савдо корхоналари ва ташкилотларининг ходимлари! Дала ва фермалар маҳсулотининг ҳар бир килограмми сақланиб қолишига ва халқ фаровонлиги йўлида ишлатилишига интилингиз!

36. Савдо, умумий оқватилиш, майиш хизмат ва уй-жой-коммунал ҳўжалиги ходимлари! Иш сифатини, совет кишиларига хизмат қилиш маданиятини оширингиз!

37. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат интизомини мустаҳкамлангиз, иш вақтининг ҳар минутини тежанингиз! Металл, хом ашёдан, ёқил-энергетика ресурсларидан тежаб-тертаб, самарали фойдаланингиз!

38. Совет Иттифоқи граждандарлари! Социалистик мулкни эҳтиёт қилиб асрангиз ва кўпайтирингиз! Мамлакатимиз бойликларидан оқилона, омиқкорлик билан фойдаланингиз, она табиятни муҳофаза этингиз!

39. Халқ ҳўжалиги мутахассислари! Ихтирочилар ва рационализаторлар! Ишлаб чиқаришни тақомиллаштирингиз, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун курашингиз, ҳамма жойда янги техника ва илгўр тажрибани жорий этингиз!

40. Совет олимлари! Тадқиқотларнинг самарадорлигини оширингиз, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан боғлиқлигини мустаҳкамлангиз!

Совет фанига шон-шарафлар!

41. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Совет санъатининг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини баланд кўтарингиз, улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратингиз!

42. Халқ маорифи ходимлари! Таълимнинг самарадорлиги ва сифатини оширингиз! Ёш авлодни коммунизм, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационалиزم руҳида, ўқишга ва меҳнатга оғли муносабат руҳида тарбиялангиз!

43. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ходимлари! Мутахассисларнинг ғоявий чиниқлигини, назарий ва касб-кор билимдорлигини ҳар томонлама яхшилангиз, илм-фани ривожлантирингиз, коммунистик қурилишга кўпроқ ҳисса қўшингиз!

44. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Медицина хизмати сифатини ва маданиятини оширингиз! Медицина фанининг энг янги ютуқларидан яхшироқ фойдаланингиз!

45. Физкультура ва спорт ходимлари, физкультурчилар ва спортчилар! Физкультурани совет кишиларининг кундалик турмушига сингдирингиз!

Совет спортининг шухратини оширингиз, 1980 йилги Олимпиада ўйинларига сабот билан тайёргарлик кўрингиз!

46. Революция, уруш ва меҳнат ветеранлари! Ёшларнинг мураббийлари! Ёш авлодни Коммунистик партия билан совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда актив қатнашингиз!

47. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари, ҳўнар-техника билим юртларининг ўқувчилари! Совет Ватанини астойдил севингиз! Билимларни ва меҳнат кўникмаларини сабот билан егаллангиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёrlанингиз!

48. Империализмга қарши, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун матонатли курашчилар — коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Бутун дунё коммунистларининг марксизм-ленинизм, пролетар интернационалиزم негизидеги метин бирлиги ва жипслиги мустаҳкамлансин!

49. Яшасин халқаро ишчилар синфининг сигналга қудратли қуроли — пролетар интернационализм!

50. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

51. Социалистик мамлакатларининг халқларига қардошлик саломи! Империализмга қарши курашнинг ҳал қилувчи кучи, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт таянчи — жаҳон социализм системаси ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардош партиялари ва халқлари бирлиги ҳамда жипслиги!

52. Ёш миллий суверенитети, территориял бутунлиги, озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган социалистик Вьетнамнинг қаҳрамон халқига қардошлик саломи!

53. Мард Лаос халқига қардошлик саломи!

Социалистик жамият негизларини қўриш йўлидан бораётган Лаос Халқ Демократик Республикаси мустаҳкамлансин ва равақ топаверсин!

54. Мустақил, озод, демократик Кампучияни барпо этишга азму қарор берган Кампучия халқига қардошлик саломи!

55. Янги жамият қўриш йўлига ўтган афғон халқига қардошлик саломи!

Совет Иттифоқи ва Афғонистон Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!

56. Империализмга қарши, миллий озодлик революциясини амалга оширган Эрон халқига қизғин салом!

57. Капиталистик мамлакатларининг эксплуатацияга, монополиялар зулмига қарши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун фидокор курашчиси — ишчилар синфига қардошлик саломи!

58. Мустамаккачилик зулмидан халос бўлиб, миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт учун мардона курашаётган халқларга қардошлик саломи!

59. Империализмга қарши, қитъани мустамакка-

чилкдан ва ирқчиликдан тамомла озод қилиш учун, озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт идеалларининг тантанаси учун курашаётган Африка халқларига алағали салом!

Жаҳон халқлари! Зимбабве, Намибия, Жанубий Африка халқларининг ирқчи режимларига қарши курашини қўллаб-қувватлашни кучайтирингиз!

60. Империалистик монополияларнинг зўравонлигига қарши, реакция ва фашизмга қарши, ўз мамлакатларининг эркин, мустақил, демократик ривожланиши учун мардона курашаётган Латин Америкаси халқларига алағали салом!

61. Ички реакция ва империализм кучлари устидан ғалаба қозонган ва революция ғалабаларини мустаҳкамлаш учун, демократик давлат барпо этиш учун мардона курашаётган қаҳрамон Никарагуа халқига қизғин салом!

62. Фашизм реакциясига қарши фидокорона курашаётган Чили ишчилар синфига, барча меҳнаткашлари ва демократияга қардошлик саломи!

63. Халқлар озодлиги, демократия ва социализм учун мард курашчиларга — турмалар ва фашизм зиндонларида азоб чекиб ётган кишиларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқиналарига озодлик!

64. Ҳозирги замоннинг уч асосий революцион кучи — жаҳон социализм, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатларининг қудратли енгилмас иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

65. Исроил агрессиясининг оқибатларини батамом тугатиш учун, арабларнинг манфаатларига зид сепарат битимларга қарши, Яқин Шарқда одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун курашаётган араб мамлакатлари халқларига қизғин салом!

Жаҳон халқлари! Араб халқларининг империалистик зўравонликка қарши курашини қўллаб-қувватлашни кучайтирингиз!

Совет Иттифоқи ва араб мамлакатлари халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!

66. Европа мамлакатлари, АҚШ ва Канада халқлари! Умумевропа кенгаши Якуловчи активнинг тўла-тўқис амалга оширилиши, Европанинг тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва социал тараққиёт қитъасига айлантирилиши учун сабот билан ҳаракат қилингиз!

67. Европа халқлари! Империалистларнинг қитъада ракета-ядро қуроли янги турларини жойлаштириш планларига қарши курашдаги куч-гайратларингизни оширингиз!

Европада қуролланиш пойгасининг янги даврасига қатъиян қарши чиқингиз!

68. Осиё мамлакатларининг халқлари! Тинчлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш учун, Осиёда хавфсизликни таъминлаш учун курашингиз!

69. Жаҳон халқлари! Қуролланиш пойгасини тўхлатиш учун, қуролсизланиш учун, янги жаҳон уруши хавфини тугатиш, халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш учун курашни кучайтирингиз!

Халқлар тинчлиги ва хавфсизлигининг душманлари бўлган империализм ва гегемонизм, милитаризм ва реваншизм кучлари кирдикорларини фош қилингиз!

70. Жаҳон халқлари! Куч ишлатмаслик халқаро муносабатларда қонун бўлиб қолиши, ядро қуроли абадий-таққиланиши учун курашингиз!

Оммавий қирғин қуролининг янги турлари ва янги системаларини ишлаб чиқариш планларига қатъиян қарши чиқингиз!

71. Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!

Тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан бўёнги курашнинг КПСС XXV съезди ишлаб чиққан программасини амалга оширайлик!

72. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

73. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунизм ғалабаси сари олға!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

Б у т у н —
Бутуниттифоқ
қ и ш л о қ
ҳ ў ж а л и к
х о д и м л а р и
к у н и

ПАХТА-ВАТАНГА			
Республика областларида пахта таёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 13 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ			
Биринчи устуи — областлар, иккинчи устуи — бир кунда таёрланган пахта; учинчи устуи — мавсум бошлангич бўён (умумий таёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобда); тўртинчи устуи — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устуи — мавсум бошлангич бўён (планда нисбатан процент ҳисобда).			
Қашқадарё	2,11	59,09	1,76
Бухоро	2,49	57,55	2,70
Сурхондарё	2,15	56,73	1,45

ҚАССР	3,41	55,67	3,35	37,84
Тошкент	3,50	45,82	3,43	34,11
Сирдарё	3,73	45,24	3,75	38,29
Фарғона	1,63	40,67	1,23	10,90
Наманган	2,26	37,20	2,59	28,79
Хоразм	2,30	35,82	1,92	18,15
Андижон	2,20	34,96	2,33	16,76
Жиззах	3,51	30,53	3,76	29,81
Самарқанд	1,85	16,70	1,27	5,83
Республика бўйича	2,46	42,46	2,42	25,32
Шу жумладан илгичка тоғали пахта				
Сурхондарё	1,69	49,29	1,64	30,63
Бухоро	1,28	29,45	0,44	0,44
Қашқадарё	1,97	26,34	1,30	14,87
Наманган	0,12	22,09	0,17	6,20
Республика бўйича	1,69	40,34	1,42	23,08

2.500.000 тонна
ЎЗБЕКИСТОН
ПАХТАСИ ТАЙЁР!

ЯНГИ ТЎПЛАМ
«КПСС оммавий ахборот ва пропаганда воситалари тўғрисида» тўплами босмадан чиқди.
Китоб Сиёсий адабиёт нашриётида чиқарилган «Красный пролетарий» босмахонасида чоп этилган.
(ТАСС).
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА
СССР Министрлар Совети 1979 йил 11 ноябрь йакшанба дам олиш кунини 9 ноябрь жума кунига қўчиришга қарор қилди.

ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

унумли меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароитлар

